



Научно-образовательный электронный журнал

ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ

**Выпуск №27 (том 2)
(июнь, 2022)**

«ЯРИМУТКАЗГИЧЛАРДА ДИФФУЗИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ДИФФУЗИЯ УСУЛИ БИЛАН ЭЛЕКТРОН- КОВАК ЎТИШНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ» Sh.A. Urinov	627
«AYOLLARGA NISBATAN PSIXOLOGIK ZO'RAVONLIK» Aslonboyeva Gulsanam Вахромjon qizi	634
«ВЛИЯНИЕ ОБМЕНА КУРС ВАЛЮТ НА ИНФЛЯЦИЮ» Буриева Феруза Нажмиддинова	637
«СТРАТЕГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОЦЕНКИ ИМУЩЕСТВА, НАХОДЯЩЕГОСЯ В ГОСУДАРСТВЕННОЙ СОБСТВЕННОСТИ» Распопова Маргарита Егоровна, Соловьева Юлия Юрьевна	641
«ОЛМА ПЮРЕСИ ТАРКИБИДАГИ РУХ ТОКСИК ЭЛМЕНТИНИНГ МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ» Бегалиев Алишер Холмўмин ўғли	650
«БОЛАЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ИМПОРТ МАҲСУЛОТЛАРНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МЕЗОНЛАРИГА МОС КЕЛИШНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ТАДҚИҚ ЭТИШ» Бегалиев Алишер Холмўмин ўғли	659
«СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ЭНЕРГОАУДИТА 2ХЭТАЖНОГО ЖИЛОГО ДОМА В Г.ТАШКЕНТЕ» Абдуллаев Уткир Рашидович	668
«METAFIL TURIDAGI MA'LUMOTLARNI SAQLASH VA QAYTA ISHLASH» Нарзиев Умиджон Зарипович, Бозорова Дилора Анваровна Бухоро	676
«MULTISIM DASTURI YORDAMIDA MANTIQUIY ELEMENTLARNING TRANZISTORLARDA YASALGAN SXEMALARINI MODELLASHTIRISH» G.M. Shirinov, M.Y. Mamirov, K.A. Duvlayev	679
«ИССЛЕДОВАНИЕ ВЛИЯНИЕ ГАММА-ОБЛУЧЕНИЕ НА ВОЛЬТАМПЕРНЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ $nSi-p(Si_2)_{1-x}-$ $y(Ge_2)_x(GaAs)_y$ ($0 \leq x \leq 0.28$, $0 \leq y \leq 0.03$) СТРУКТУР» Г.М. Ширинов, Ж.Б. Муртазаев, Ш.А. Махмудова	683
«КОНЦЕПТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ УРГАНИШ БОСКИЧЛАРИ» Ситора Зокировна Турабоева	687
«КОНЦЕПЦИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СТРОИТЕЛЬСТВЕ» Жуманазарова Райхан	694



Международный научно-образовательный
электронный журнал
«ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ»

УДК 37

ББК 94

Международный научно-образовательный электронный журнал «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ». Выпуск №27 (том 2) (июнь, 2022). Дата выхода в свет: 30.06.2022.

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Миссия научно-образовательного электронного журнала «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает работников сферы образования (воспитателей, педагогов, учителей, руководителей кружков) и школьников, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов

ФИО автора: *Ситора Зокировна Турабоева,*

Тошкент тиббиёт Академияси “Ўзбек ва хорижий тиллар”

кафедраси ўқитувчиси

Название публикации: «КОНЦЕПТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ УРГАНИШ БОСКИЧЛАРИ»

Маълумки, маданиятлараро ва миллатлараро муваффақиятли коммуникацияни олиб бориш хорижий тилларни ўрганиш ва бу жараёнда ўзга бир маданиятнинг ҳам тадқиқотчисига айланишни талаб этади. Маданиятни тилда акс эттирган лингвокултурологик бирликларнинг ўрганишда эса муайян тил ва жамиятдаги концептларни англаш ва англатиш, уларнинг концептосферадаги систем-структур ўрнини белгилаш, концептнинг фрейминги яъни қолип ёки қобигини ва унинг атрофига йиғилган слотлар яъни таркибий қисмлардаги гештелтлар яъни боғланишларни аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бунда, аввало, концептнинг ўзи нима эканлигига тўхталиб ўтиш, унинг тушунча ва сўздан ажралиб турувчи чегараларини белгилашни тақозо қилади.

Концепт термини бир вақтнинг ўзида оппозитсион парадигматик муносабатда ҳам қадимий, ҳам навқирон термин саналанади¹¹⁰. Бу термин тилшуносликда фаол қўлланилиб келинаётганлиги ва кўплаб тилшунослар томонидан муайян тавсиф ватаърифлар берилган бўлишига қарамай, аниқ тавсиф борасида ҳануз баҳс-мунозаралар давом этмоқда¹¹¹. В.З.Демьяненко концепт атамасининг қўлланилиши ва семантик тузилишининг эволюциясига тўхталиб, мумтоз лотин адабиётида муайян фикрнинг пайдо бўлиши, шаклланиши маъносида қўлланилишини, ўрта асрлар италян, француз, немис адабиётида ҳам турли маъноларда (эмбрион, тушунча, тасаввур, фикр, гоё, режа, экстравагант бадий образ, конспект ва ҳ.к) учрашини таъкидлайди¹¹². Концепт атамасининг

¹¹⁰ Маслова В. А. Введение в когнитивную лингвистику. – М.: Флинта: Наука, 2006. – С.31

¹¹¹ Қаранг: Попова З.Д., Стернин И. А. Понятие «концепт» в лингвистических исследованиях. – Воронеж: Издательство Воронежского ун-та, 2000. – С. 31.

¹¹² Демьянков В. З. Термин «концепт» как элемент терминологической культуры [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://www.infolex.ru/FOR SHV. HTM> //Дата доступа. – 20.07.2020.

жорий давр когнитологиясида қўлланилаётган маъноси С.А. Аскольдовнинг 1928 йилда чоп этган «Концепт ва сўз» номли мақоласида ақс эттирилади. Бироқ, С.А.Аскольдов кўтарган мазкур масала ўтган асрнинг ўрталарига қадар жиддий ёндашувлар асосида ўрганилмаган¹¹³. Тилшуносликда «концепт» яхлит таъриф берилмаган. Р.Жекендоф ҳазил шаклида концепт нима эканлигининг жавобини психолог, философ ёки тилшуносдан сўраш масса нима эканлигини физик мутахассисдан сўраш билан баробардир – саволга ягона жавоб мавжуд эмас¹¹⁴. Тадқиқотчилар концепт борасида яқдил фикрга эга бўлмаса-да, улар берган таърифларда прагматик жihatдан мазмун-моҳият яқинлиги сезилиб туради.

Р.Жекендофф концептга инсон онги, тафаккури, тил ва мазмун табиатини ўзида бирлаштирган феномен сифатида қарайди. Концептнинг нима эканлигини унинг аслияти эскизини яратмасдан ва у аҳамият касб этган муҳит ва дунёқарашни ўрганмай туриб баҳолаб бўлмайди¹¹⁵.

Р.Лангакер эса ақлий фаолиятнинг ҳар қандай жабҳасини қамраб олувчи концептуализация жараёнига алоҳида урғу бериб, мазкур жараён бир вақтнинг ўзида ҳам аввалдан мавжуд бўлган, ҳам янги шаклланган тушунчалар, нафақат интеллект билан боғлиқ бўлган, балки хиссий, эмоционал, динамик кечинмаларни, лисоний, ижтимоий, маданий контекстдан келиб чиқувчи, шунингдек, вақт ўтиши билан юзага келиб, аста шаклланиб боровчи концептларни ўз ичига олади. Улар когнитив доменлар (концептосфералар) га тегишли экани билан характерлидир. Демак, ҳар қандай когнитив тузилма янги ёки шаклланиб бўлган концепт, тафаккур тажрибаси, билимлар тизими бўлиб, предикация учун муайян сферани ташкил этишини¹¹⁶ таъкидлаб ўтади.

¹¹³ Маслова В. А. Кўрс. асар – С. 31.

¹¹⁴ Jackendoff R. What is a Concept, that a Person May Grasp It? 1 //Mind & language. – 1989. – Т. 4. – №. 1-2. – P. 68-102.

¹¹⁵ Jackendoff R. Кўрс. манба – P.68.

¹¹⁶ Langacker R. W. Essentials of cognitive grammar. – Oxford University Press, 2012. – P.31.

Ж. Лакофф концептлар индивидуумлар, жонли ёки жонсиз предметлар гурухи ёки турли вазият ва контекстлар оркали ифодаланиши мумкин бўлган тушунчалар эканлигини таъкидлайди¹¹⁷.

Таникли рус тилшуноси Маслова коцепт атамаси уч хил ёндашувга кўра изоҳланишини асослайди¹¹⁸: биринчи ёндашув вакиллари коцепт атамаси тавсифида унинг маданий жиҳатларига асосий эътиборни қаратишади ва ҳар қандай маданият муайян коцептлар йиғиндиси ва улар ўртасидаги муносабат эканлигини таъкидлайдилар (масалан, Ю.С. Степанов, В.Н. Телия). Бунда назарда тутилган ёндашувга кўра коцепт – маданиятнинг асосий ячейкаси. Иккинчи гуруҳ – семантик ёндашув вакиллари (Н.Д. Арутюнова, Т.В. Булыгина, А.Д. Шмелев, Н.Ф. Алефиренко ва бошқ.) коцептни когнитив семантика соҳасига тегишли термин деб ҳисобла-са, В. А. Маслова, Д.С. Лихачев, Е.С. Кубрякова каби олимлар коцептни сўзнинг муайян маъносини инсоннинг шахсий ва миллий тажрибаси билан тўқнашуви натижасида ҳосил бўлишини таъкидлайдилар, яъни коцепт сўз ва фаолият ўртасидаги воситачи сифатида тавсифланади. Е.С.Кубрякованинг талқини бўйича коцепт инсон ментал хотирасини, миянинг коцептуал тизимини (лингва менталис), инсон руҳиятида акс этган олам манзарасини ташкил қилувчи оператив бирлик саналади¹¹⁹.

Д.С. Лихачев коцептни инсон ёзма нутқида ҳаракатга келтирадиган маънонинг алгебраик тарзда ифодаланиши сифатида тавсифласа, П.М.Фрумкина маданиятнинг муайян категориясида ўз аксини топган вербал тушунча, дея таърифлайди¹²⁰. Назаримизда, В.Н.Телиянинг коцептни таърифлашда ўзига хос тарзда ёндашган. Унинг талқинига кўра коцепт инсон тафаккурининг маҳсули, мукамал тушунча сифатида нафақат тил, балки умуман инсон онгига хос бўлган категориядир¹²¹.

¹¹⁷ Телия В. Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты / В. Н. Телия. – М.: Наука, 1996. – С.34.

¹¹⁸ Маслова В. А. Кўрс. асар – С. 32.

¹¹⁹ Кубрякова Е. С. Концепт//Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г., Лузина Л.Г. Краткий словарь когнитивных терминов. – М.: Изд-во Моск. ун-та. – 1996. – С. 90.

¹²⁰ Маслова В. А. Кўрс. асар – С. 68.

¹²¹ Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М., 1996. – С.94-97.

Р.Павиленис эса концептга «билим ва фикрларнинг когнитив асосли куйи тизимини ташкил этувчи маъно», дея таъриф беради¹²². Концептнинг кенг кўламли ва кўп сатҳли эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, С.Х. Ляпин, Ю.С.Степанов ва В.И. Карасик таъкидига кўра, тадқиқотнинг объектидан келиб чиқиб, муайян концептнинг устувор яруси белгиланиши мумкин, яъни қайсидир тадқиқот учун масаланинг психологик ёки психолингвистик сатҳи устувор бўлса, бошқаси учун этимологик, этнографик, яна бирлари учун эса, маданий, лингвокультурологик аспекти диккат марказида бўлиши мумкин¹²³. Юқоридаги концепт ҳақида айтилган илмий хулосалар ва таърифларни яна давом эттириш мумкин. Уларнинг ҳар бирида асос ва илмий ҳақиқат мавжуд бўлса-да, концепт берилган таъриф ва унинг когнитив тилшунослик терминлари тизимидаги ўрни мутлақ тавсифланди дейа олмаймиз.

Концептни айримлар тушунча билан тенглаштирсалар, айримлар тушунчанинг ҳам конкрет таркиби билан мутаносиб, деб ҳисоблайдилар.¹²⁴ Ифода табиатига кўра концептларни вербализацияланган (универбумлар, фразеологик ва синтактик) ва вербализацияланиш хусусиятига эга бўлмаган кўринишларга ажратилади¹²⁵. Чунки концептларнинг барчаси ҳам вербал ифода воситаларига эга эмас.

Жаҳон тилшунослигида муайян бир концептни ўрганиш ва англашиш иккита – когнитив ва лингвокультурологик – методлар таклиф этилади. Ҳар иккала ёндашувда ҳам концептни тадқиқ этишга йўналтирилади ва ўзаро кесишмайди, аксинча, бир –бирини тўлдиради.

¹²² Каранг: Красавский Н.А. Эмоциональные концепты в немецкой и русской лингвокультурах. Монография. – Волгоград, 2001. – С.40-59.

¹²³ Красавский Н.А. Концепт "Zorn" в пословично-поговорочном фонде немецкого языка. // Теоретическая и прикладная лингвистика. Выпуск 2. Язык и социальная среда. – Воронеж. Изд-во ВГТУ, 2000. – С.78-89//eidos.rsl.ru

¹²⁴ Карасик В.И. Ценностная картина мира: межкультурный аспект/ Языковое сознание: содержание и функционирование. XIII международный симпозиум по психалингвистике и теории коммуникации: тезисы докладов / Под ред. Е.Ф.Тарасова. – М.: РАН ИЯ, 2000.; Калищук Д.М. Базовые концепты современного англоязычного дискурса. Концепт «демократия»// Научный Вестник Волынского национального ун-та имени Леся Украинки. – Луцк, 2009. – № 16: Филологические науки. Языкознание. - С. 81-85.; Чижова Л.Е. Специфика репрезентации концепта здоровье в речевом этикете// Вестник Саратовского ун-та. Новая серия. Филология. Журналистика. – 2009. – 1-том. – С. 46 – 49.

¹²⁵ Бабушкин А.П. Типы концептов в лексико-фразеологической семантике языка. – Воронеж, 1996.

Концепт сифатида олинган лингвомаданий бирликни тавсифлашда ва аниқ чегараларини белгилашда лингвокултурологик методдан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Бунда мазкур олинган бирликни қуйидаги моделлар асосида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.¹²⁶

1. Лингвистик модел ва унинг маъноси ўртасида боғлиқликни таҳлил қилиш;
2. Когнитив таъсир этиш усуллари таҳлил қилиш;
3. Бирликнинг турли дискурсив вазиятларда воқеаланишини таҳлил қилиш.

Бунда биринчи усулдан фойдаланиш, яъни бирлик ва у англатадиган маъно боғлиқлигини аниқлаш концептини система ичида олишни ва унинг бошқа концептлар билан систем-структур алоқадорликларини аниқлаштиришни тақозо этади. Фразиологик бирликларнинг маъносини тавсифлашда, лингвокултурологик бирликларнинг метафорик ёки кўчма маънода қўлланилганлигини аниқлашда, мақолларнинг маъносини очиб беришда бу таҳлил усули самарали ҳисобланади. Бу метод орқали концепт ҳисобланувчи лингвокултурологик бирлик маъносини англашда бирликни компонент таҳлил қилиш орқали бирликнинг семантик структур маъносини аниқлаштириш, бунда бирликдан фойдаланувчи маданият эгаларининг нутқини таҳлил қилиш талаб этилади. Бу мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, концептни тадқиқ ва таҳлил қилишда вербализатсиялашган лингвокултурологик бирликлар айниқса мақоллар, афоризмларни лексик қисмларини парадигматик муносабатга киришган ҳолатда олиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ саналади. Бунда парадигматик муносабатдаги бирликларнинг мазмунини англаш учун изоҳли лугатлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Баъзи олимлар бундай ҳолларда диахрон таҳлил ҳам қўл келишини айтиб ўтишади. Унга кўра асосий маънони аниқлаштиришга хизмат қилувчи лексик бирликнинг этимологик маъно тараққиёти, семантик маъно майдонининг кенгайиши ёки торайишидаги натижасида юзага келган

¹²⁶ Васильева Анна Алексеевна. Methods of studying concepts in lingvoculturology. Международный научный журнал «символ науки» №10/2015 issn 2410-700x

Ўзгаришларни аниқлаш орқали лингвокултурологик тавсифни очиб беришга алоқадор жиҳатлар аниқланади.

Муайян миллатга тегишни концептнинг маънони англашда мақоллар ва афоризмлар муҳим аҳамиятга эга саналади. Одатда ушбу бирликда муайян миллат ёки маданиятнинг ўзига хослиги, ахлоқий қадриятлари, хулқ-атвор нормалари алоҳида ажралиб туради. Шу билан бирга тилда мавжуд барқарор бирикмаларни ҳам тадқиқ этиш муайян этник гуруҳга тегишли концептуал бирликларни очиб беришда самара бериши мумкин.

Максимчук концептни ўрганишда қуйидаги босқичларга амал қилишни таклиф этади.¹²⁷

1. Лексикографик манбааларга таянган ҳолда концептга алоқадор лексик бирликларнинг тавсифлаш;
2. Лексик бирликнинг бирикувчанлик хусусиятидан келиб чиқиб бирикма ёки коллакатсия кўринишида келган лексик тузилмаларни таҳлил қилинг;
3. Вербализатсияланган концептуал бирликни лексик, морфологик, грамматик ва бошқа хусусиятларини замонавий тилшунослик параметрларига асосан тавсифлаш;
4. Концептал бирликнинг дискурда воқеаланишини таҳлил қилиш;
5. Концептуал бирликнинг семантик – функционал хусусиятларини ўрганиш;
6. Семантик-функционал хусусиятга эга контекстларни тавсифлаш.

Юқорида келтириб ўтилган методларни тадқиқ этилаётган тил бирликлари мансуб тил хусусиятларидан келин чиқиб параллел, кетма-кет ёки бирлашган ҳолатда фойдаланиш мумкин. Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, жаҳон тилшунослигида лингвокултурологик бирликларнинг концептуал ўрганилиши маданиятлараро мулоқот, хорижий тилларни ўрганиш ва ўқитиш, лингвомаданий компетенсияни шакллантириш, маданиятлараро алоқа-

¹²⁷ Максимчук, О. А. Методология исследования лингвокультурных концептов. / О. А. Максимчук. – Самара : Известия Самарского научного центра Российской академии наук. Т. 16. № 2-2, 2014. – С. 424-427.
2. Чибисова О.В., Товбаз А.А. Концепт «Удача» в русской и китайской культурах // *Общественные науки*. 2012. № 1. С. 56-65.

алмашинувни муваффақиятли ташкил этиш, таржима жараёнида юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликлар ва нотўғри талқинларнинг олдини олиш ва бошқа жараёнларда муҳим ҳособланади. Бунда ,аввало, лингвокултурологик бирликнинг лингвистик хусусиятларини аниқлаштириш, тавсифлаш, уларни таснифлаш, лексикографик ва лексикологик систем-структур ўрнини белгилаш талаб этилади. Тил ва маданият кесишган нуқтада юзага келган муайян културологик характер-хусусиятга эга бўлган концептларни тадқиқ этишда концептга хос ўзига хос хусусиятларни аниқлаш, концептнинг таркибий элементларини, бошқа концептлар билан парадигматик муносабатларини, концепт таркибидаги тушунча ва лексемаларнинг лингвистик белгиларини ўзаро алоқадорлик хусусиятига кўра ўрганиш, муайян концептнинг вербализатсияланган ва вербализатсияланмаган элементларини аниқлаш ва таҳлилий тавсифлаш талаб этилади. Лингвокултурологик бирликни концептуал таҳлил қилишда қиёслаш, таққослаш, компонент таҳлил, структурал таҳлил каби бир қатор метод ва усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади.